



**Бажарувчи ташкилони таълаб олиш учун**

**ТАЪЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Фарғона-2022**

**Таълов хужжатларининг мазми:**

**I. Таълов иштирокчилари учун йўриқнома**

**II. Техник қисм**

**III. Нархлар**

# ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

## 1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.Танлов предмети: Исузу автотранспорт воситасига шаффоф 100-120кг ли газ баллонни ўрнатиш ва хужжатларини тайёрлаш

1.2 Танлов қиймати: 52 000 000(Эллик уч миллион)сўм.

1.3Махсулот бўйича техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб ҳисобланади 2022йил охиригача.

1.5 Ишларни бошлаш муддати-аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1 «Олтиариқ тумани Ободонлаштириш бошқармаси»(бундан кейин Бажарувчи деб аталади)-танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюрмачи”манзили Олтиариқ тумани Ўзбекистон кўчаси№128-уй  
Эл.адрес:

2.2 Танлов Буюртмачи томонидан танлов ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3 Танлов Олтиариқ туман Ободонлаштириш бошқармаси буюртмачи томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танлов мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатилган ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2 Танлов иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

Танлов предмети қийматининг камида 20% миқдорига айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси.ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажибасининг мавжудлиги;

Ўз қучлари билан илгари бажарган иш ҳажмлари тўғрисида ги маълумотлар;

Танлов объектида ўз қучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлган ҳолда);

3.3 Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4 Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш) тугутиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, ҳолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

## 4.ТАНЛОВ ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ



4.1 Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танлов ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар Буюртмачи ва Иштирокчи ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3 Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим.

Техник қисм буюртмачи томонидан қуйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Нархлар қисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади.

4.5 Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

-тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

-таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгаштириш киритиш ҳуқуқига эга.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ҳолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдирлар.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлигини ва тўғрилиги жавобгардир. Ҳолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюрмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюрмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида у кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгатиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан қаида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахорот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш кун ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериши муддати тугайдиган санадан қаида икки кун олдин тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш кун ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир

баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва Ўз билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилган.